

Иорданияда Қуръон дарслари ташкил қилинди



15:30 / 10.08.2020 938

Иорданияда ёзги Қуръон дарслари ташкил қилинди. Бу ҳақда Al-Ray газетаси хабар берди. Ушбу курсларнинг мақсади талабаларга ёзги таътилларида унумли фойдаланиш имкониятини беришдир.

Бош котибнинг ўринбосари ва Иорданиядаги ёзги Қуръон клублари марказий қўмитаси раҳбари Исмоил ал-Хутабанинг таъкидлашича, вазирлик тўртинчи ҳафта давомида мамлакатнинг Қуръон тўғараклари ва марказларида онлайн видео дастурларини ташкил қилди.

Дастурлар 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб, улар исломий фазилатлар ва Қуръон оятларини ёд олишга ёрдам беришдир.

Ал-Хутабанинг таъкидлашича, марказда иккита усул мавжуд: Масжидлардаги ўғил болалар учун курслар ва бутун Иордания бўйлаб 200 та марказлар ва 100 та ўғил ва 140 та қиз учун онлайн курслар.

Islom.uz портали таҳририяти